

КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Артыков Саламатдин Абдулла ўгли
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий
мактабининг Қорақалпоғистон Республикаси
худудий филиалининг етакчи мутахассиси
тел. +998 91 393 81 18

Жаҳон микёсида барча давлатларда корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлаш масаласи ўта долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Чунки иқтисодиётнинг ривожланишида молиявий барқарорлик таъминланмаса, кўзланган мақсадга эришиш мураккаблашиб бораверади.

Ҳозирги кунда корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлашининг асосий омилларидан бири уларнинг мавжуд ишлаб чиқариш ва молиявий ресурсларидан самарали фойдаланиш, корхонада молиявий ресурсларининг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари ўртасида мутаносибликка эришишдан иборатдир.

Аннотация: Мақолада корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг айрим имкониятлари ва йўналишлари қараб чиқилган. Унда мавзунинг долзарблиги ва мавзуга тегишли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари ҳам келтирилган. Кичик бизнес ва хусусий корхоналар фаолияти, асосан маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналган бўлади.

Айни пайтда корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш асосий вазифалардан биридир. Корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлаш орқали уларнинг молиявий аҳволини яхшилаш ва юқори натижаларга эришиш мумкин.

В статье рассматриваются некоторые возможности и направления обеспечения финансовой устойчивости предприятий. В ней также освещается актуальность темы и соответствующие Указы и Постановления Президента Республики Узбекистан. Деятельность малого бизнеса и частных предприятий в основном направлена на производство продукции.

В настоящее время обеспечение финансовой устойчивости предприятий является одной из основных задач. Путем обеспечения финансовой устойчивости предприятий можно улучшить их финансовое положение и достичь высоких результатов.

The article discusses some of the possibilities and directions for ensuring the

financial stability of enterprises. It also highlights the relevance of the topic and the relevant decrees and resolutions of the President of the Republic of Uzbekistan. The activities of small businesses and private enterprises are mainly focused on the production of goods. Currently, ensuring the financial stability of enterprises is one of the main objectives. By ensuring the financial stability of enterprises, it is possible to improve their financial situation and achieve high results.

Калит сўзлар: барқарорлик, корхона молиявий барқарорлиги, иш ҳақини ошириш, молиявий барқарорликни таъминлаш, барқарорлик ҳолатлари, ташқи иқтисодий барқарорлик, ички иқтисодий барқарорлик, иқтисодий ўсиш, юқори самарага эришиш.

Барқарорликка эришиш сабаблари, натижаларидан келиб чиқадиган хулосалар шуни кўрсатадики, у ечилаётган масаланинг қай даражада кенглигига эмас, балки молиявий ресурслардан қай даражада самарали фойдаланилаётганига боғлиқ.

Бугунги кунда айрим корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнида банд бўлган асосий воситаларни янгилаш жараёнини сунъий тарзда кечиктиришга уриниш мавжуд. Яъни иморатларни реконструкция қилиш, у ёки бу буюмлар етишмовчилигини уларнинг сифатини пасайтириб, ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобига бартараф этишга ҳаракат қилинади.

Бу тадбирлар беқарорликнинг юзаки, фақатгина ташқи кўринишини бартараф этишга мўлжалланган бўлиб, улар барқарорликни алоҳида субъектлардагина ва фақат муайян муддатгагина тиклаши, бироқ корхонанинг бошқа субъектларида беқарорлик келтириб чиқариши, молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини пасайтириб, муаммонинг аниқ ҳал этилиши имкониятини узоқ муддатга чекланиши мумкин. Мустаҳкам барқарорликка ишлаб чиқаришнинг муҳим омили ҳисобланган молиявий ресурслардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш орқали эришиш имкони бор. Бунда ишлаб чиқариш самарадорлиги мазкур омилларнинг миқдор ва сифат жиҳатидан нисбати тўғри йўлга қўйилганлигига боғлиқ.

Корхоналар барқарорлигини таъминлашнинг асосий йўналишларидан бири уларда меёрий тизимнинг қай даражада йўлга қўйилганлигидир. Бозор муносабатлари шароитида корхоналарда меёрий тизимнинг йўлга қўйилганлиги молиявий барқарорлик тамойилларига риоя этилишининг негизи ҳисобланади. Унинг ёрдамида ишлаб чиқариш ва харажатлар ўртасидаги алоқа намоён бўлади. Масалан, корхона 20 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштириб, ушбу мақсадга 10 млн. сўм ажратган бўлса, мазкур жараённинг барқарорлигини бир турдаги маҳсулот яратишнинг меёрий қиймати асосида аниқлаш мумкин. Агар меёрий қиймат корхона учун етарли миқдорда фойдани шакллантирига

имкон яратса, бундай меъёр тўлиқ барқарорлашган бўлади. Шу билан бирга, бир вақтнинг ўзида амалиётга, фан-техниканинг янги ютуқларига асосланган прогрессив меъёрларни жорий этиш натижасида корхона фойдасининг барқарор ўсиши ҳамда кейинчалик молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш таъминланади.

Иқтисодиётда барқарорликни таъминлашнинг муҳим омилларидан яна бири инвестиция борасида ҳам барқарорликка эришишдир. Иқтисодиётни ривожлантириш кўп жиҳатдан айнан шу омилга ҳам боғлиқ.

Молиявий ва меҳнат ресурслари ўз хусусиятларига кўра молиявий барқарорликка яқиндир. Бироқ уларнинг мослашувчанлиги кўпгина ижтимоий чекловларга асосан сезиларли тарзда камаяди. Шу билан бирга, такрор ишлаб чиқариш жараёнида инвестиция дастурларини амалга ошириш йўли билан ташкил этиладиган ишлаб чиқариш фондларининг роли ишчи кучининг аҳамиятига нисбатан кучаяди. Мос равишда такрор ишлаб чиқариш ресурслари сифатида инвестициянинг аҳамияти ортади.

Молиявий барқарорликни таъминлашда ташқи иқтисодий алоқаларда тўлов тақчиллигининг бартараф этилиши жуда муҳимдир. Ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги барқарорликни ишлаб чиқарилган ва ишлатилган ялпи ички маҳсулот ҳажмини солиштириш орқали баҳолаш мумкин.

Ташқи иқтисодий барқарорлик ҳолати ички иқтисодий омиллар баланси ҳолатини акс эттиради. Ташқи иқтисодий алоқалар молиявий ресурслар ва иқтисодиётни ривожлантиришга йўналтирилган сарфлар ўртасидаги барқарорликни сақлаб туришга хизмат қилишдан ташқари, ўзининг зарурий баланс мутаносибликларига ҳам эга. Яъни импорт учун амалга оширилган харажатлар экспортдан олинган даромадлар билан қопланиши, экспортдан тушадиган тушумлар кредиторлик қарзини қоплаш учун етари бўлиши лозим. Ташқи фаолият учун маблағнинг унга мос равишда ёки муайян бир муддатдан сўнг қайтадиган ғолатда ажратилиши фақатгина ички иқтисодий таъминланганлик ҳолатида амалга оширилиши мумкин.

Ҳозирги замон нуқтан назаридан қараганда, барқарорлик ташқи иқтисодий алоқалар ва инвестиция, авваламбор, ёқилги-энергетика соҳаларига узвий боғлиқ. Бугунги кунда ишлаб чиқариш хўжаликлари томонидан ресурс истеъмол қилиш ҳажми ошиши табиий имкониятлар чекланганлиги билан уйғунликда иқтисодиётда инвестициялар ҳажмининг ишишига олиб келади. Шу нуқтан назардан, ресурсларни тежовчи янги техника воситаларини иқтисодиётга киритиш, реконструкция, хусусийлаштириш, акциядорлаштириш ва ишлаб чиқариш тартибини оптималлаштириш ғисобига харажатларни камайтириш мумкин омилларидан бири ҳисобланади.

Молиявий барқарорликни таъминлашнинг муҳим омилларидан яна бири

ресурслар ва харажатлар ўртасидаги мутаносибликларни тўғри йўлга қўйишдир. Инобатга олиш керакки, барқарорликни таъминлаш керагидан ортиқ ресурслар сарфланишини талаб этади.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун эътиборни дастлаб бизнес режада харажатлар ҳажмини чеклашга эмас, балки уларнинг самарадорлигини оширишга, сўнгра рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни замонавий, юқори технология асосида таъминлаш мақсадида хорижий инвестициялар оқимини кўпайтиришга қаратиш лозим.

Корхоналарнинг молиявий барқарорлиги муаммолари моҳиятига кўра куйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан, ҳозирги кунда иқтисодиётнинг турли субъектларида кузатилаётган барқарорлик ҳолатларини бартараф этиш иқтисодиёт самарадорлигини ошириш ва харажатларни мақсадли амалга оширишнинг муҳим йўналиши ҳисобланади, чунки нотенглик ҳолатларининг турли заиф нуқталари мавжудлиги молиявий ресурслардан тўлиқ ва унумли фойдаланишни талаб этади.

Иккинчидан, молиявий сиёсатнинг ресурслардан самарали фойдаланишга асосланиши ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга қаратилган. Шунинг учун иқтисодий таълимотда ва амалиётда молиявий ресурслар барқарорига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Учинчидан, ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмини қисқартириш йўли билан барқарорликни мустаҳкамлашда чекланган самарага эришиш мумкин. Шунинг учун барқарорлик муаммосини ҳал этишнинг бу шаклини чекланган даражада қўллаш лозим. Чунки, бу иқтисодий ўсиш даражасига салбий таъсир кўрсатади, иш ҳамда харажатларни тўлақонли амалга ошириш даражаси пасайишига олиб келиши эҳтимоли мавжуд.

Тўртинчидан, харажатларни қаноатлантириш жараёнида барқарор ўсишни таъминлаш қатъийликни талаб этади. Бунда иқтисодиётни ривожлантиришнинг мажмуавийлигига риоя қилиш, иқтисодиётдаги заиф бўғинларни бартараф этиш лозим бўлади. Шунинг учун иқтисодиётнинг бош бўғинлари ва ривожланиш йўналишларини ажратиб олиш ҳамда молиявий ресурслар айнан шу бўғинларда марказлаштирилишининг мақсадга мувофиқлигини асосли тарзда баҳолаш талаб этилади.

Барқарорликни ўз вақтида акс эттириш (ифодалаш, ёритиш) унинг насоён бўлиш вақти ҳамда миқдорини макро ва микро даражада аниқлаш имконини берувчи ишончли молиявий иқтисодий кўрсаткичларни ишлаб чиқишга имкон беради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсақ, ишлаб чиқаришдаги муҳим бўғинларнинг

ўзаро боғлиқлиги таъминланганда тўлиқ барқарор жараёнга эришиш имкони бўлади. Барқарорликни таъминлашни такомиллаштиришнинг айрим жиҳатларига эътибор қаратмасдан туриб, бир қатор принципиал талабларни ажратиб олиш лозим, чунки иқтисодиётнинг ривожланиши бевосита уларга риоя этиш билан боғлиқ.

Фойдаланилган адабиёт рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрьдаги ПФ-158-сон “Ўзбекистон-2030 Стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни. Т. 1996 йил 30 август.
3. А.С.Сотволдиев. Замонавий бухгалтерия ҳисоби.Дарслик.Т.БАМА. 2021йил,234-б.
4. А.А.Каримов. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. Т.Шарк, 2022 ил, 592-б.
5. Н.Жўраев, Р.Холбеков, Ф.Абдувоҳидов, И.Илҳомов. Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит.Дарслик. Т.2019 йил, 250-б.
6. <https://www.lex.uz>